

ҚЎҚОНДАН ТОПИЛГАН ҚАДИМИЙ ТЕПАҚЎРҒОН
АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

Шодиева Гулрух Султановна

Қўқон давлат музей кўриқхонаси

Тепакўрғон археологик ёдгорлиги филиал мудир.

Аннотация: Мақолада Қўқон марказидан топилган қадимий антик даврга оид ёдгорлик топилгани ва унинг қазилма ишлари жараёни хақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Тепакўрғон, арк, мудофаа, шаҳристон, девор, сопол.

Annotation: The article talks about the discovery of a monument of ancient antiquity found in the center of Khokand and the process of its excavation.

Key words: Mound, arch, defense, city, wall, ceramic.

Фарғона вилояти Қўқон шаҳри марказидаги Тепакўрғон археологик ёдгорлигида тадқиқот ишлари олиб борилган. Қадимий шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида ярим айлана кўринишидаги бурж ва 2 қаторли мудофаа девори мавжудлиги, шунингдек, шимолий томонда 7 метр баландликда сақланган мудофаа девори аниқланган.

Аслида 2008-2011 йилларда Қўқон шаҳрида Тепакўрғон археологик ёдгорлиги аниқланган ва бу ерда экспедиция ишлари бошланган. Бу Қўқон шаҳрининг қадимий ёшини аниқлаш ва уни олиб борилган қазилма ишлар натижасида топилган фактларга асосланиш мақсад қилиб олинган эди.

Қадимий археологик ёдгорлик катта бир қадимиш шаҳар бўлиб, унинг мудофаа девори ва аҳоли яшайдиган қисми шаҳристон ва хукмдорнинг арки қазилди.

Қазилма ишлари натижасида шаҳарда эраמידан аввалги биринчи асрдан бошлаб аҳоли яшаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, шаҳар арки



айлана шаклида бўлганлиги, баландлиги ўз даврида 10 метр, хозир 7 метр бўлганлиги аниқланди. Аркнинг пол қисмига хали етиб борилгани йўқ.

2022 йилдан бошлаб айрим сабабларга кўра қолдирилган экспедиция ишлари яна қайта бошланди. Қўқон шаҳри туризм пойтахти сифатида ўз қадимийли билан ҳам асосли эканлигига ушбу ёдгорлик далолат беради. 2011 йилда очилган қадимий шаҳарнинг мудофаа девори бурж билан безатилган. Шаҳарнинг ғарбий томониданги мудофаа девори анча баландроқ, 7 метрдан ортиқ. Гофралар билан безатилган мудофаа девори Қўқон шаҳарсозлигининг қадимий намунаси ҳисобланади. Гофралар шаҳарсозликнинг ноёб кўриниши бўлиб, у чет тарафдан келган зарбни камайтиришга хизмат қилган.

Шаҳар катта платформа устига қурилганлиги учун қазилма ишлари хали остки қисмга етиб борилмади. Пахсадан қилинган деворда ғишлар ҳам ажралиб чиқмоқда.

Қўқон шаҳридан топилган қадимий шаҳарнинг ёши тахминан милоддан аввалги биринчи асрдан милодий 7 асргача деб айтилмоқда олимлар томонидан. Шаҳар харобаларидан антиқ давр, ўрта аср, сўнги ўрта асрларга оид сопол буюмлар ҳам топилди. Ангопли саполлар кўплаб топилган.

Мудофаа деворининг кенглиги тўрт метр, пахса ва пишган ғишлар ишлатилган. Иншоатдан кейинги даврда қабристон сифатида фойдаланилганлиги аниқланди. Қабрлардан топилган фактлар қандайдир фожеа сабабли дафн этилган майитлар топилди.

Фарғонанинг жанубий қисмида Олой тизмаларидан Сўх дарёси Қўқон микроазисини шакллантирганлиги ушбу ёдгорлик натижасида аниқланди. Милоддан аввалги саккизинчи-еттинчи асрларда бу ердаги унумдор ерларда деҳқончилик ривожланганлигидан далолат беради. 2008-2011 йилларда А.Анорбоев ушбу шаҳарда олиб борган илмий экспедицияси бу қадимий шаҳарнинг агроирригация маданий қатламини очиб, Қўқон шаҳридаги қадимий археологик ёдгорликни дунёга маълум қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.



1. Xatamova, Z. (2020). Expenditure of state funds replenished by taxes in the history of the kokand khanate. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, 5(3), 274-277.
2. Хатамова, З. Н. (2020). ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (SI-1№ 4).
3. Хатамова, З. Н. (2020). Особенности налоговой системы Кокандского ханства. *Молодой ученый*, (5), 254-256.
4. Хатамова, З. (2021). Expenditure of income from taxes and levies in the kokand khanate: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1230>. In *research support center conferences* (No. 18.05).
5. Nazirjonovna, K. Z. (2022). SH. VOKHIDOV'S CONTRIBUTION TO THE STUDY OF THE HISTORY OF THE KOKAND KHANATE. *Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects*, 139-141.
6. Xatamova, Z. (2021, June). EXPENDITURE OF INCOME FROM TAXES AND LEVIES IN THE KOKAND KHANATE. In *Конференции*.
7. Хатамова, З. (2023). Из истории денежной политики в финансовой системе Коканского ханства. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 327–336. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/history-of-uzbekistan/article/view/16511>
8. Nazirjonovna, K. Z. (2022). Political-Financial Analysis of the Issues of Science of the Kokand Khanate in the Work of Khudoyorkhonzade “Anjum At-Tavorikh”. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 3(10), 102-111. Retrieved from <https://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH/article/view/463>



9. Burkhonov, I. M. (2020). "ZAKAT" HAS ENSURED FAIRNESS AND BALANCE IN SOCIETY. *Theoretical & Applied Science*, (5), 201-204.

10. Muhiddinovich, B. I. (2020). Negative impact of the tax system on political life-on the example of the history of the Kokand Khanate (1850–1865). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 790-795.

11. Burkhonov, I. (2021, June). The importance of the scientific heritage of asomiddin urinboyev in the study of the history of the Kokand khanat. In *Конференции*.

12. Бурхонов, И. М. (2019). ҚЎҚОН ХОНЛИГИ МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ СИЁСИЙ ХАЁТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ (1850-1865). *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, (19).

13. Burkhonov, I. (2021). The importance of the scientific heritage of asomiddin urinboyev in the study of the history of the Kokand khanat: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1242>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).

14. Бурханов, И. (2023). Научное наследие Шарафиддина Али Язди в интерпретации Асомиддина Оринбоева. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 165–171.

15. BURKHONOV, I. FROM THE HISTORY OF THE TRANSLATION OF THE WORK OF ABURAZZAK SAMARKAND" MATLA'I SA'DAYN AND MAJMA'I VAHRAIN. *ЭКОНОМИКА*, 138-144.

16. Muhiddinovich, B. I. (2022). The Importance of Asomiddin Urinboev's Scientific Research in the Study of the History of the Kokan Khanate. *Kresna Social Science and Humanities Research*, 3, 175-179.



17. Бурхонов, И. М. (2020). «ЗАКОТ»-ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ. *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*, 3(5).

18. Muhiddinovich, B. I. (2022). In the Study of the History of the Kokand Khanate. *Eurasian Journal of History, Geography and Economics*, 6, 68-71.

19. Burkhanov , I. . (2022). FROM THE HISTORY OF THE USE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF KOKAND SCIENTISTS ASOMIDDIN URINBOEV. *International Bulletin of Medical Sciences and Clinical Research*, 2(10), 63–67.

20. Бурханов, И. (2022). Шарафиддин Али Яздий илмий мероси Асомиддин Ўринбоев талқинида. *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 165-171.

